



german  
cooperation

DEUTSCHE ZUSAMMENARBEIT

Наشريет:

**giz** Deutsche Gesellschaft  
für Internationale  
Zusammenarbeit (GIZ) GmbH

Техникавий ёрдамида:

ICON  
INSTITUT

## ЎЗБЕКИСТОН

Дуал таълим учун  
профессиянал стандартларга асосланган  
таълим стандартларини ишлаб  
чиқиш бўйича

# ҚЎЛЛАНМА

## МУНДАРИЖА

1	Кириш.....	2
2	Таълим стандартини ишлаб чиқишда иш берувчиларнинг иштироки .....	2
3	Профессионал стандартнинг таълим стандартида акс этиши .....	3
4	Таълим стандартининг сифат мезонлари .....	3
5	Таълим стандартининг мақсадли гуруҳи .....	4
6	Таълим натижаларини аниқлаш .....	4
6.1	Таълим натижаларини аниқлашнинг умумий қоидалари .....	4
6.2	Касбий компетенцияларни аниқлаш .....	4
6.3	Шахсий компетенцияларни аниқлаш .....	8
7	Таълимнинг таркибий қисмларини аниқлаш .....	10
8	Таълим ҳажмини аниқлаш .....	12
9	Таълим усулларини аниқлаш .....	12
10	Иш жойида ўқитишга қўйилган талаблар .....	13
11	Баҳолаш мақсади ва ёндашуви .....	14
12	Фойдаланилган манбалар .....	16
	Илова 1: Мураббийларнинг ўзини-ўзи баҳолаш воситаси .....	17
	Илова 2: Таълим стандарти макети .....	18
	Илова 3: Таълим стандартини ишлаб чиқиш босқичлари .....	19
	Илова 4: Иш жойида таълим олганлигини тасдиқлаш .....	20
	Илова 5: Норматив-ҳуқуқий базага ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар .....	21

## ЖАДВАЛЛАР ВА РАСМЛАР

1	- Профессионал стандартларда меҳнат вазифалари ҳақидаги маълумотлар тоифалари ...	5
2	– Касбларга оид компетенцияларни тавсифлаш (Ўзбекистон) .....	5
3	- Касбларга оид компетенцияларни тавсифлаш (Қозоғистон) .....	6
4	- Касбларга оид компетенцияларни тавсифлаш (Тожикистон) .....	6
5	- Касбларга оид компетенцияларни тавсифлаш (Қирғизистон).....	7
6	- Шахсий компетенцияларни тавсифлаш (Қозоғистон) .....	8
7	- Шахсий компетенцияларни тавсифлаш (Қирғизистон) .....	9
8	- Мутахассиснинг умумлаштирилган вазифаларидан таълим мазмунига .....	11
9	– Мураббийлар учун малака йўналишлари .....	13
10	- Баҳолаш бўйича кўрсатмалар (Қирғизистон) .....	15

## 1 Кириш

Ушбу қўлланма GIZ қўмагида Марказий Осиёнинг тўртта давлатида (Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистон) амалга оширилаётган PECA<sup>1</sup> лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. Қўлланмани ишлаб чиқишдан мақсад лойиҳа иштирокчи мамлакатларидаги таълим стандартларини ишлаб чиқувчилари учун профессионал стандартлар асосида дуал таълим<sup>2</sup> бўйича таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар билан таъминлашдан иборатдир.

Қўлланма, биринчи навбатда, дуал таълимни ташкил этиш бўйича Австрия ва Германия (хусусан, Бавария) тажрибаси асосида ишлаб чиқилган. Профессионал стандарт асосида таълим стандартини ишлаб чиқиш бўйича маълумотларга қўшимча равишда, қўлланма таълим стандартларини ишлаб чиқувчилар учун таълим стандартларини ишлаб чиқишда тавсия этилган матнлар ҳақида тушунча бериш учун мисоллардан ҳам иборат. Қўлланмага стандартларни ишлаб чиқувчиларга ушбу қўлланма ёрдамида ишлаб чиқилган таълим стандартининг тузилиши ва мазмунини ҳақида аниқ тасаввур берувчи таълим стандарти макети илова қилинган.

Қўлланма ёрдамида таълим стандартларини ишлаб чиқишда амалдаги миллий меъёрий-ҳуқуқий базага асосан қўйиладиган талабларни ҳисобга олиш керак бўлади. Илова қилинган макет ушбу талабларни қондириш учун мослаштирилиши мумкин. Шу муносабат билан қўлланмага юқоридаги ҳар бир давлатда таълим стандартларини ишлаб чиқишни тартибга солувчи қонунчилик базасига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар илова қилинган.

Ушбу қўлланмада «таълим стандарти» атамаси PECA лойиҳасининг техник топшириғига мувофиқ қўлланилади. Қўлланма билан ишлаганда, баъзи мамлакатларда бошқа атамалар (масалан, таълим дастури, ДТМ (давлат таълим стандарти), ДМТС (давлат мажбурий таълим стандартлари ва бошқалар) ишлатилиши мумкинлигини унутмаслик керак бўлади.

Қўлланмада қуйидаги қисқартмалар қўлланилади: ИЖЎ (иш жойида ўқитиш), ТС (таълим стандарти), ПС (профессионал стандарт).

## 2 Таълим стандартини ишлаб чиқишда иш берувчиларнинг иштироки

Профессионал стандарт асосида дуал таълимнинг юқори сифатли таълим стандарти ишлаб чиқилмоқда. Шу тариқа, иш берувчиларнинг мутахассисларга қўйиладиган малака талаблари бўйича қарашлари иш берувчилар билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқилган профессионал стандартда ўз аксини топади. Шу билан бирга, таълим стандартини ишлаб чиқишнинг бир қисми сифатида иш берувчилар учун, хусусан, иш жойида ўқитиш натижалари ва мазмунини аниқлаш ва унга педагогик ёндашув тўғрисида консультациялар ташкил этиш зарур бўлади. Шу билан бирга, корхоналардаги реал имкониятларни ҳисобга олиш керак бўлади.

1 PECA: Professional Education in Central Asia (Марказий Осиёда профессионал таълим).

2 Дуал таълимнинг моҳияти шундан иборатки, а) таълим ҳам таълим ташкилоти негизида ҳам корхона негизида амалга оширилади ва б) таълим ташкилоти ва корхона негизида ўқитиш иккита алоҳида компонент эмас, балки бир-бирини ўзаро тўлдирди. Қандай қилиб улар бир-бирини тўлдирди? Биринчидан, ўқувчилар таълим ташкилотида олинган билим ва кўникмаларни ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ машғул бўлган ҳолда иш жойида реал шароитларда қўллайдилар. Иккинчидан, таълим ташкилоти ўқувчиларининг тайёргарлик даражаси тўғрисида корхона билан қайта алоқа ўрнатиш орқали билиб олинади. Дуал таълимнинг асосий компоненти сифатида корхонада ўтадиган таълим анъанавий иш амалиётидан айнан шу билан фарқ қилади. Бугунги кунга келиб, профессионал техник таълим соҳасида дуал таълим мутахассислар тайёрлашнинг энг муваффақиятли шакли бўлиб, шунга мос равишда замонавий таълим стандартларида ҳам ўз аксини топган.

### 3 Профессионал стандартнинг таълим стандартида акс этиши

Профессионал стандарт асосида таълим стандартини ишлаб чиқиш профессионал стандартни таълим стандартида акс эттиришни назарда тутлади. Албатта, юқори сифатли профессионал стандарт юқори сифатли таълим стандартини ишлаб чиқишнинг асосий шarti бўлиб, идеал ҳолатда, профессионал стандартда мутахассиснинг фаолияти ва бунинг учун зарур бўлган билим ва кўникмалар таълим стандартларини ишлаб чиқувчилар улардан сезиларли ўзгаришларсиз фойдаланишлари мумкин бўлган тарзда тавсифланади. Шундай қилиб, иккала стандарт ўртасида аниқ алоқа ўрнатилади.

Таълим стандарти профессионал стандартга асосланганлиги сабабли, таълим стандартида профессионал стандартга зид бўлган маълумотлар бўлмаслиги керак. Шу билан бирга, таълим стандарти профессионал стандартнинг барча маълумотларини ўз ичига олмайди ва олмаслиги керак. Шунингдек, таълим стандартини ишлаб чиқиш учун, қоида тариқасида, профессионал стандартда мавжуд бўлмаган маълумотлар керак бўлади (масалан, ўқитишга педагогик ёндашув тўғрисидаги маълумотлар).

Қуйидаги бўлимларда таълим стандартини ишлаб чиқишда профессионал стандартдаги маълумотлардан қандай фойдаланиш кераклиги тасвирланган.

### 4 Таълим стандартининг сифат мезонлари

Сифатли таълим стандарти барча керакли маълумотларни ўз ичига олади, лекин бундан ортигини эмас. Такрорлашлар ва узоқ рўйхатларни қўллашдан узоқ бўлиш зарур. Қоидага кўра, ҳар қандай маълумот фақат бир марта эслатиб ўтилади. Стандартнинг тили, ҳар қандай сифатли ҳужжат каби, ёзма нутқ услубига мос келади. Жумлалар қисқа бўлиши, маълумот тез тушиниладиган ва осон эсда қоладиган бўлиши керак. Матн қўшимча тушунтиришларни талаб қилмаслиги керак. Стандартнинг турли бўлимларидаги маълумотлар бир хил бўлиши, яъни қарамақаршиликлар бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, сифатли таълим стандартида тегишли мамлакатнинг таълим соҳасида қабул қилинган атамалардан фойдаланилади. Шу мақсадда таълим стандартини ишлаб чиқишдан олдин тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан уларнинг глоссарийси (луғати) билан танишиб чиқиш керак бўлади.

#### Таълим стандартлари сифати мезонлари

- «Ҳамма керакли нарсалар киритилади, барча мумкин бўлган нарсалар эмас» тамойилига риоя қилиш,
- Такрорланишларнинг бўлмаслиги,
- Узун рўйхатларнинг бўлмаслиги,
- Қисқа, аниқ жумлалардан фойдаланилади,
- «Бир хатбоши – бир фикр» тамойилига риоя қилинади
- Матнни ўқиб чиққандан кейин ҳеч қандай савол туғилмайди,
- Ахборотнинг мувофиқлиги,
- Давлатда қабул қилинган терминологиядан фойдаланилади.

## 5 Таълим стандартининг мақсадли гуруҳи

Ҳар қандай бошқа норматив ҳужжат сингари, таълим стандарти бир ёки бир нечта мақсадли гуруҳлар учун тузилади. Таълим стандартини самарали жорий этиш, биринчи навбатда, унинг тегишли мақсадли гуруҳ учун мақсадли тузилганлигига боғлиқ. Шундай экан, таълим стандартлари муаллифлари улардан ким фойдаланиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Таълим стандарти бўйича мақсадли гуруҳларга мисол тариқасида таълим вазирликлари, ҳудудий таълим бошқармалари, таълим ташкилотлари раҳбарияти, таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчилари, ўқув материаллари муаллифлари киради. Қуйида таълим стандартларининг мақсадли гуруҳларини таърифланишига мисол келтирилган.

### Мисол

Ушбу стандартнинг мақсадли гуруҳлари:

- таълим ташкилотлари (ўқув жараёнларини режалаштириш ва ташкил этиш),
- ўқув-методик мажмуалар (ЎММ) муаллифлари (ЎММ мундарижасини ишлаб чиқиш).

## 6 Таълим натижаларини аниқлаш

### 6.1 Таълим натижаларини аниқлашнинг умумий қоидалари

Таълим натижаларини аниқлаш таълим стандартини ишлаб чиқишдаги биринчи қадамдир. Шу билан бирга, таълим натижаларини аниқлаш барча кейинги босқичлар учун асосий жараён бўлиб хизмат қилади. Таълим натижаларининг аниқ таърифисиз таълим мазмунини аниқлаш имконсиздир.

Мутахассиснинг меҳнат вазифаларидан келиб чиқиб, таълим натижаларини аниқлаш зарур бўлади. Бундан ташқари, замонавий таълим стандартларида ўқув натижалари компетенция (малака) сифатида таърифланган. Шунини таъкидлаш керакки, «компетентлик» атамасининг бир нечта таърифлари мавжуд бўлиб, масалан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти “компетентлик” деганда мутахассиснинг бирор вазифани сифатли бажариши учун зарур бўлган маҳорат, билим, кўникма ҳамда мутахассиснинг муносабати тушунилади. Таълим стандартини ишлаб чиқишда “компетентлик” атамасини қўллашнинг камида иккита афзаллиги мавжуд. Биринчидан, билим, кўникма ва қобилиятларни фарқлашнинг ҳожати йўқ. Иккинчидан, ҳар қандай ҳаётий вазиятни, шу жумладан касбий вазифаларни сифатли бажаришни ҳал қилиш учун кўникма, билим, қобилият ва муносабатларнинг бутун мажмуаси зарурдир. Айнан мана шу комплекс “компетентлик” атамасини ифодалайди.

### 6.2 Касбий компетенцияларни аниқлаш

Касбга бевосита боғлиқ бўлган компетентлик профессионал стандартда белгиланган меҳнат вазифалари асосида белгиланиши керак. Жадвалда РЕСА лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган профессионал стандартларда меҳнат вазифалари тавсифи ва тегишли маълумотларнинг тузилиши кўрсатилган. Компетенцияни шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган профессионал стандартнинг суб-тоифаси ажратилган.

1 - Профессионал стандартларда меҳнат вазифалари тўғрисидаги маълумотлар тоифалари

Давлат	Ахборот тоифаси		
Ўзбекистон	Умумлаштирилган меҳнат вазифалари	Меҳнат вазифалари	Меҳнат фаолияти <u>Керакли кўникмалар</u> Керакли билимлар
Қозоғистон	Меҳнат вазифалари	Вазифалар	<u>Кўникмалар</u> Билимлар
Тожикистон	Умумлаштирилган меҳнат вазифалари	Меҳнат вазифалари	Меҳнат фаолияти <u>Керакли кўникмалар</u> Керакли билимлар Бошқа хусусиятлар
Қирғизистон	Умумлаштирилган меҳнат вазифалари	Меҳнат вазифалари	Малакали иш мезонлари Керакли билимлар <u>Керакли кўникмалар</u> Иш муҳитининг тавсифи Баҳолаш бўйича кўрсатмалар

Замонавий таълим стандартларида компетенциялар қуйидагича таърифланади: «Биринчи ўқув йилининг охирида /модуль охирида / ўқиш охирида / ... ўқувчилар .....кўникмаларга эга бўладилар». Ўқувчилар билганларини эмас, нима қила олишларини санаб ўтиш учун феъллардан фойдаланилади. Қуйида РЕСА лойиҳасида иштирок этувчи барча тўртта давлат учун малака тўғрисидаги тавсифларга мисоллар келтирилган.

### Мисоллар

2 – Касбларга оид компетенцияларни тавсифлаш (Ўзбекистон)

Ўзбекистон			
Профессионал стандарт			Таълим стандарти
Умумий меҳнат вазифаси	Меҳнат вазифаси	Керакли кўникмалар (ихтиёрий)	Малака тавсифлари (ўқувчилар қила оладилар)
Нон, нон-булка, қандолат ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, безатиш ва тақдим қилиш	Технологик амалиётларни бажариш учун иш жойини ва инвентарни тайёрлаш	Хамирни қўл билан ва хамир аралаштирувчи мосламада (миксер) қориш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хамирни қўл билан қориш</li> <li>Хамир аралаштирувчи мосламада ишлаш</li> </ul>
		Турли аралаштириш усулларини қўллаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Қуйидаги аралаштириш усулларини қўллаш: ...</li> </ul>
		Хамир камчиликларини аниқлаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хамирнинг қуйидаги камчиликларини аниқлаш: ...</li> </ul>
		Нон маҳсулотларини қолиплаш (шакл бериш) сифатини баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Нон маҳсулотларига шакл бериш сифатини баҳолаш</li> </ul>

3 – Касбларга оид компетенцияларни тавсифлаш (Қозоғистон)

Қозоғистон			
Профессионал стандарт			Таълим стандарти
Меҳнат вазифаси	Вазифа	Кўникма (ихтиёрий)	Малака тавсифлари (ўқувчилар қила оладилар)
Хамирни ке-сиш	Хамирни бўлакларга бўлиш	Хамирни қўлда тарози орқали ёки хамир бўлиш ускунаси ёрдамида бўлакларга бўлиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хамирни тарози орқали қўлда бўлакларга бўлиш</li> <li>Хамирни хамир бўлиш мосламаси ёрдамида бўлакларга бўлиш</li> </ul>
		Хамир бўлиш мосламасини ишга тушириш, хамир маҳсулотлари массасини созлаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хамирни бўлиш мосламасини ишга тушириш</li> <li>Хамир маҳсулотлари массасини назорат қилиш</li> </ul>
		Танлаб тортиш орқали хамир бўлакларининг массасини назорат қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Танлаб тортиш орқали хамир бўлакларининг массасини назорат қилиш</li> </ul>
		Хамирни бўлиш учун технологик ускуналарнинг ишлашини ва иш режимларига риоя қилишни таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хамирни бўлиш учун технологик ускуналарнинг ишлаши ва иш режимларига риоя этилишини таъминлаш</li> </ul>

4 - Касбларга оид компетенцияларни тавсифлаш (Тожикистон)

Тожикистон			
Профессионал стандарт			Таълим стандарти
Умумий меҳнат вазифаси	Меҳнат вазифаси	Керакли кўникмалар (ихтиёрий)	Малака тавсифлари (ўқувчилар қила оладилар)
Нон, нон-булка ва унли қандолат ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни олиб бориш	Тандирда миллий нон маҳсулоти ва унли маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориш	Ишлаб чиқариш жараёнларини ҳисоблаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ишлаб чиқариш жараёнларини ҳисоблаш</li> </ul>
		Хом ашё сарфини аниқлаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Хом ашё сарфини аниқлаш</li> </ul>
		Турли пишириш гуруҳлари учун амалиётлар ва пишириш режимларини танлаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Турли пишириш гуруҳлари учун амалиётлар ва пишириш режимларини танлаш</li> </ul>
		Меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси қонун ва қоидаларига риоя қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси қонун ва қоидаларига риоя қилган ҳолда вазифаларни бажариш</li> </ul>

Қирғизистон			
Профессионал стандарт			Таълим стандарти
Умумий меҳнат вазифаси	Меҳнат вазифаси	Керакли кўникмалар (ихтиёрий)	Малака тавсифлари (ўқувчилар қила оладилар)
Нон-булка, макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкилий, технологик ва ускуналар билан таъминлаш	Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкилий-технологик ва ускуналар билан таъминлаш	Технологик назорат журналларида ёзувларни малакали олиб бориш	• Технологик назорат журналларида ёзувларни малакали олиб бориш
		Тайёр маҳсулот сифати ва чиқиш тартибини назорат қилиш. Сифат жиҳатидан номувофиқ маҳсулотларни яроқсиз деб топиш	• Тайёр маҳсулот сифати ва чиқиш тартибини назорат қилиш • Сифат жиҳатидан номувофиқ маҳсулотларни яроқсиз деб топиш
		Тайёр маҳсулот стандартини аниқлаштириш учун синов лаборатория пиширишни амалга ошириш	• Тайёр маҳсулот стандартини аниқлаштириш учун синов лаборатория пиширишни амалга ошириш
		Хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни инвентаризация жараёнида иштирок этиш	• Хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни инвентаризация жараёнида иштирок этиш

Малакани тавсифлашда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак бўлади:

- ПСда мураккаб кўникмаларни бирликларга бўлиш: масалан, ТСда «хамирни қўлда қориш ва хамир аралаштиргичда ишлаш», «қўлда хамир қориш», «хамир аралаштиргичда ишлаш» каби кўрсатиш. Алоҳида малакани комплекс шаклдагисига қараганда имтиҳон давомида текшириш осонроқдир. Муайян компетенцияларни шакллантириш, масалан, ТСда «турли хил аралаштириш усулларини қўллаш» «қуйидаги аралаштириш усулларидан фойдаланиш: ...» сифатида ифодаланган.
- Компетенцияларни белгилашда фақат муайян иш жараёнлари билан боғлиқ бўлган ва эгаллиги текширилиши ва баҳоланиши мумкин бўлган кўникмалар/қобилиятлардан фойдаланиш керак. Масалан, «лаборатория жиҳозларидан тўғри фойдаланиш» алоҳида компетенция бўла олмайди. Ушбу кўникмага эгалик даражасини баҳолаш бошқа жараённи баҳолашнинг бир қисми сифатида амалга оширилади, масалан, «тайёр маҳсулот стандартини аниқлаштириш учун синов лаборатория пиширишни амалга ошириш».
- «(Керакли) билимлар» тоифасидаги маълумотлардан компетенцияларни шакллантириш учун фойдаланиш мумкин, ammo унда ўқувчилар билимларини қўллайдиган контекстни шакллантириш керак бўлади. Масалан, ПСда «меҳнат хавфсизлиги ва гигиена қоидаларини номлаш» билимлари ТСда «ўқувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш ва гигиена қоидаларини айтиб беришлари ва уларни вазифаларни бажаришда тегишли кетмакетликда қўллашлари мумкинлиги» каби шакллантирилиши керак бўлади. Альтернатив вариант: «ўқувчилар вазифаларни меҳнат хавфсизлиги ва гигиена қоидаларини ҳисобга олган ҳолда бажарадилар».



Кўпгина ҳолларда, меҳнат вазифалари бўйича компетенцияларни шакллантириш, меҳнат вазифалари сонига ва улар остида белгиланган кўникма/қобилиятларга қараб кўп натижалар беради. Шу тариқа уларни умумлаштириш керак бўлади.

### 6.3 Шахсий компетенцияларни аниқлаш

Таълим стандарти касбга бевосита оид бўлган ўқув натижаларидан ташқари, ўқувчиларнинг шахсий компетенциялари билан боғлиқ бўлган таълим натижаларини ҳам белгилайди. Шахсий компетенциялар шахсий ва профессионал ҳаётдаги деярли барча муаммоларни ҳал қилиш учун зарурдир. Шунинг учун ҳам улар “трансверсал компетенциялар”, таълим муассасаларидаги турли фанлар орқали шаклланиши жиҳатидан эса “предметлараро компетенциялар” деб ҳам юритилади.

Қоида тариқасида, профессионал стандартларда шахсий компетенциялар мавжуд эмас. РЕСА лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган профессионал стандартларда шахсий компетенциялар фақат Қозоғистон ва Қирғизистон стандартларида қайд этилган.

#### Мисоллар

6 – Шахсий компетенцияларни тавсифлаш (Қозоғистон)

Қозоғистон		
Профессионал стандарт		Таълим стандарти
Касб	Шахсий компетенцияга қўйилган талаблар	Компетенцияларнинг тавсифланиши
Новвой	Жисмоний ва руҳий саломатлик	-
	Тиббий қарши кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги	-
	Тунги вақтда ишлашга тайёрлик	-
	Чидамлилик	• Чидамлилик ва мақсадлилиқни кўрсатади
	Таъмга сезгирлик	-
	Нозик ҳид билиш ҳисси	-
	Ҳажмни кўз билан чамалаш	-
	Эътиборлилиқ	• Вазифаларни эътибор билан бажаради
	Чаққонлик	-
	Аниқлик	• Вазифаларни аниқлик билан бажаради
	Тартиблилик	• Вазифаларни бажаришда тартибли ёндашув • Вазифаларни бажариш кетма-кетлигини режалаштиради
Маъсулиятлилик	• Озиқ-овқат маҳсулотлари учун масъулиятни намоён қилади • Вазифаларни бажариш сифати учун масъулиятни намоён этади	

	Ўз ишини назорат қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўз-ўзини назорат қилиш зарурлигини англайди</li> <li>• Ўз ишининг натижаларини текширади</li> <li>• Қачон ёрдам сўраш кераклигини билади</li> </ul>
	Ўрганиш қобилияти	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўз устида ишлаш зарурлигини англайди</li> <li>• Танқидга конструктив ёндашади ва уни ҳисобга олади</li> </ul>
	Гуруҳда ишлаш қобилияти	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Жамоада ишлашни билади (жамоа аъзоларининг ролларини тақсимлашда иштирок этади, бошқаларга ёрдам беради ва ҳоказо).</li> </ul>
	Киришимлилиқ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Бошқалар билан самарали мулоқот қилади (фикрларини аниқ ифодалайди, мақсадли тарзда саволлар беради ва ҳоказо).</li> </ul>

#### 7 - Шахсий компетенцияларни тавсифлаш (Қирғизистон)

ҚИРҒИЗИСТОН		
Профессионал стандарт		Таълим стандарти
Касб	Шахсий компетенциялар	Компетенцияларнинг тавсифланиши
Нон-булка, макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича техник-технолог	Ўз ваколатлари доирасида бир гуруҳ шахсларнинг мустақил фаолиятини ва ўз фаолиятини ташкил этади	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўз ваколатлари доирасида бир гуруҳ шахсларнинг мустақил фаолиятини ва ўз фаолиятини ташкил этади</li> <li>• <i>Соддалаштирилган варианты:</i></li> <li>• Мустақил равишда вазифаларни бажаради</li> <li>• Бошқа одамларнинг фаолиятини ташкил қила олади</li> </ul>
	Гуруҳ аъзоларининг (қўл остидагиларнинг) иши, вазифаларни бажариш натижалари учун жавобгардир	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Гуруҳ аъзолари (қўл остидагилар) иши, вазифаларни бажариш натижалари учун жавобгардир</li> <li>• <i>Соддалаштирилган варианты:</i></li> <li>• Бошқалар томонидан вазифаларни бажариш учун масъуллик кўрсатади</li> </ul>
	Иш жараёнини амалга ошириш учун турли хил алоқа усулларидадан фойдаланади	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Иш жараёнларини яқунлаш учун турли алоқа усулларидадан фойдаланади</li> <li>• <i>Соддалаштирилган варианты:</i></li> <li>• Бошқалар билан самарали мулоқот қилади (аниқлаштирувчи саволларни мақсадли сўраб олади ва бошқалар).</li> </ul>


	Иш жараёнларининг бошқа иштирокчилари билан самарали ҳамкорлик қилади ва уларга ташкилий ва технологик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Иш жараёнларининг бошқа иштирокчилари билан самарали ҳамкорлик қилади ва уларга ташкилий ва технологик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради.</li> <li>• <i>Соддалаштирилган варианты:</i></li> <li>• Жамоада самарали ишлайди</li> </ul>
	Касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланади	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланади</li> <li>• <i>Соддалаштирилган варианты:</i></li> <li>• Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланади</li> </ul>

Шуни таъкидлаш керакки, шахсий компетенцияларнинг ягона тўғри тавсифланиши мавжуд эмас. Шунга қарамай, улар касбга оид компетенциялар сифатида шундай шакллантирилиши керакки, уларни ўзлаштиришга тегишли эътибор қаратилади ва уларни эгаллаганлик даражасини баҳолаш мумкин бўлади. Ўқувчиларда ушбу компетенцияларнинг мавжудлиги ва уларни эгаллаганлик даражасини текшириш, кузатиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун бу компетенцияларни аниқ ҳаракатларни ифодаловчи феъллар ёрдамида тавсифлаш керак бўлади.

## 7 Таълимнинг таркибий қисмларини аниқлаш

Таълим мазмуни кутилган натижаларга қараб белгиланади, аксинча эмас. Қуйидаги тамойилга риоя қилиш керак бўлади: “Ўқувчилар нима қила олишлари керак (=таълим натижалари) ва бунинг учун нимани ўқитиш керак (=таълим таркиби)». Таълим таркибини ишлаб чиқиш белгиланган таълим натижаларига эришиш учун зарур бўлган нарсалар билан чекланиши керак. Шу муносабат билан шуни таъкидлаш жоизки, кўпгина мамлакатлар асосли таълим стандартлари деб аталадиган таълим стандартларига ўтган бўлиб, улар анъанавий стандартлардан фақат мавзулар (ҳар бир мавзу мазму-нини батафсил тавсифлашдан фарқли ўлароқ) белгиланиши билан фарқ қилади. Шу тариқа, таълим мазмуни ўқув материалининг тузилишини белгилайди (идеал ҳолда, ҳар бир мавзу ўқув-услубий мажмуанинг битта бўлимига ёки ўқитиш учун ишлатиладиган бошқа материалларга мос келади Бу, биринчи навбатда, таълим деярли фақат ўқув-услубий мажмуалар ёрдамида амалга ошириладиган ва ўқув-услубий мажмуалар муаллифлари учун таълим стандарти тузилган мамлакатларга хосдир. Албатта, таълим стандартида ҳар бир мавзу мазму-нини батафсил ёзиш мумкин. Бу борада ҳал қилувчи мезон стандартнинг мақсадли гуруҳи ҳисобланади. Қуйида умумлаштирилган меҳнат вазифалари асосида таълим мазму-нини ишлаб чиқиш чизмаси келтирилган.

## 8 - Мутахассиснинг умумлаштирилган вазифаларидан таълим мазмунига



Шуни таъкидлаш керакки, ўқув натижалари ўқув мавзулари билан бирма бир мос келмайди. Қоидага кўра, таълим стандартини ишлаб чиқувчилар бир нечта таълим натижаларига асосланган мавзуларни шакллантиришлари керак бўлади. Мавзуларни модулларга гуруҳлаш мумкин. Мавзуларни шакллантириш ва уларни модулларга гуруҳлаш қуйидаги қоидаларга мувофиқ амалга оширилади:

- «Оддийдан мураккабга» тамойили,
- Ҳар бир мавзу бошқа мавзулардан мустақил бирликни ташкил қилади,
- Ҳар бир мавзу янги маълумотларни ўз ичига олади,
- Ҳар бир мавзу остида у ёки бу тарзда олдинги мавзулардаги асосий маълумотлар такрорланади,
- Ҳар бир мавзу кўпроқ ёки камроқ бир хил ҳажмдаги маълумотни ўз ичига олади,
- Мавзулар феъллар орқали шакллантириладиган компетенциялардан фарқли ўлароқ, отлар («нимани ўргатиш керак?») ёрдамида тузилади («нима қила олиш керак?»),
- Гуруҳлашдан олдин гуруҳлаш қоидаларини (масалан, мавзу, компетенция даражаси, модулларни ўқитиш ҳажми бўйича гуруҳлаш) ўрнатиш керак бўлади, шу тариқа ҳар бир модуль мантиқий бирликни ифодалайди.

## 8 Таълим ҳажмини аниқлаш

Таълим ҳажмини аниқлаш учун таълим стандартини ишлаб чиқувчилар унинг мазмуни ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари керак. Қоида тариқасида, машғулотлар ҳажми ҳар бир мавзу бўйича со-атлар сонига кўрсатилади. Мавзу доирасида соатларни тақсимлаш ўқитувчи ёки ўқув материаллари муаллифларининг ихтиёрига кўра белгиланади.

### Мисоллар

#### Модуль: Иқтисодиёт асослари (138 соат)

- Мавзу: Бухгалтерия ҳисоби – 20 соат
- Мавзу: Иқтисодиётга кириш – 40 соат
- Мавзу: Инглиз тили – 30 соат
- Мавзу: Таълим корхонаси – 8 соат (битта блок билан)
- Мавзу: Иш жойида таълим – 40 соат

## 9 Таълим усулларини аниқлаш

Таълим усуллари танланган педагогик ёндашув асосида аниқланади. Маъруза ёки доклад шаклидаги “фронтал таълим» («бир киши гапиради - қолганлари жим» тамойили бўйича) эскирган деб ҳисобланади. Кўпгина мамлакатларда бу ёндашув ўрнини “ўқувчиларга йўналтирилган таълим” деб аталган, бунда ўқитувчи эмас, балки ўқувчи таълим жараёнининг маркази ҳисобланади. Бундай ёндашув ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга самарали ёрдам беради. Шундай қилиб, у юқорида айтиб ўтилган компетенцияга асосланган таълим ёндашувига мос келади. Таълим стандартида ўқитиш усулларини белгилаш нафақат ўқитувчилар, балки ўқув-услубий мажмуалар муаллифлари учун ҳам муҳимдир. Қоидага кўра, ўқитиш усуллари “дидактик тамойиллар» шаклида тақдим этилади.

### Мисоллар

#### Дидактик тамойиллар

- Ҳар бир талабага индивидуал ёндашув
- Ўқитиш касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган
- Машғулотлар ўқувчилар шахсини шакллантиришга қаратилган
- Вазифалар ҳаётий вазиятларни акс эттиради
- Эркинлик масъулиятни англатади ва аксинча
- Хатоларга конструктив муносабат

## 10 Иш жойида ўқитишга қўйилган талаблар<sup>3</sup>

Замонавий таълим стандартларида иш жойида ўқитиш бўйича қуйидагилар кўрсатилади: а) унинг давомийлиги (соатларда ёки ҳафталарда ҳафтадаги соатлар сонини кўрсатган ҳолда), б) ўқувчилар ИЖЎдан ўтадиган ўқитиш босқичи, с) ундан кутилган натижа, д) унинг мазмуни, э) ўқувчилар билан ишлашда қўлланиладиган педагогик ёндашув, ф) унинг муваффақиятли яқунланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тури. Шунингдек, ИЖЎнинг муваффақиятли яқунланганлигини тасдиқловчи ҳужжат макетини киритиш тавсия этилади (ушбу йўриқнома иловасига қаранг). ИЖЎ тўғрисидаги бўлим дуал таълим учун сифатли таълим стандартларини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган бошқа маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. ИЖЎ бўйича бўлимни ишлаб чиқишда унинг мақсадига таяниш зарур - ўқувчиларни қўллаши ва шу пайтгача эгаллаган малакаларини янада ривожлантириши мумкин бўлган кенг қўламли реал ҳаётий вазиятларга шўнғишига эътибор қаратиш лозим. Шу тариқа, ИЖЎдан кутиладиган натижа қуйидаги мисолдаги каби тавсифланиши керак бўлади.

### Мисол

#### Туризм

- Иш жойида ўқитишнинг давомийлиги: 4 ҳафта (ҳафта=40 соат), битта блок билан
- Ўқиш босқичи: ўқишнинг биринчи йилидан кейин
- Кутиладиган натижа: таълим ташкилоти негизида ўқитиш доирасида, хусусан, меҳмонларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ стандарт вазиятларда олинган компетенцияларни мустаҳкамлаш
- Таркиби: а) столларни тайёрлаш, б) ичимликлар ва овқатланиш бўйича консультациялар бериш, с) ичимликлар ва таомларни тақдим этиш, д) шикоятлар ва уларга мос жавоб бериш, ф) ҳисоб-қитоб қилиш.
- Ўқувчилар билан ишлашга ёндашув: ўқувчиларни стандарт ишлаб чиқариш жараёнларига максимал даражада қўшиш
- Муваффақиятли амалиёт стандарт шаклда тасдиқланади (ушбу стандартга иловага қаранг)

Ҳали самарали ИЖЎ тизими яратилмаган давлатларда таълим стандартига қуйидаги маълумотларни ҳам киритиш тавсия этилади: а) корхоналар негизидаги мураббийларга нисбатан қўйиладиган малакавий талаблар, б) мураббийларни тайёрлаш дастури, с) мураббийларнинг ўқувчилар билан ишлашларидаги ўз-ўзини баҳолаш учун амалий восита.

Жадвалда мураббийлар учун тўртта малака соҳаси кўрсатилган.

9 - Мураббийлар учун малака йўналишлари

<b>Техник компетенциялар</b>	<b>Корхонада ишлаш билан боғлиқ компетенциялар</b>
<b>Педагогик компетенциялар</b>	<b>Трансверсал компетенциялар</b>

3 Schustereder, Johann, Work-based learning: benefits, success factors, international practices, in-company trainers, tools. Azerbaijan 2019 га ҳам қаранг.

## Мисол

<b>Техник компетенциялар:</b>	<b>Корхонада ишлаш билан боғлиқ компетенциялар:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Шахсий тажрибага асосланган ҳолда касбни билиши</li> <li>• Касбга қўйиладиган малака талабларини билиши</li> <li>• Соҳадаги ривожланишларни билиши</li> <li>• Соҳадаги бошқа касблар ҳақида билиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Корхона фаолиятининг асосий йўналиши, тузилмаси, ишга ёндашуви, корхона мақсадлари ҳақида маълумотга эга бўлиши</li> <li>• Келажакда соҳа мутахассисларига қўйиладиган талаблар ҳақида тасаввурга эга бўлиши</li> </ul>
<b>Педагогик компетенциялар:</b>	<b>Трансверсал компетенциялар:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Таълим эҳтиёжларини баҳолаш</li> <li>• Ўқувчилар амалиётини режалаштириш</li> <li>• Амалиётни амалга ошириш</li> <li>• Амалиётни баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ижобий муносабат</li> <li>• Самарали мулоқот</li> <li>• Конструктив қайта алоқани тақдим этиш</li> <li>• Танқидий фикрлаш</li> <li>• Можароларни ҳал қилиш</li> <li>• Ўз устида ишлаш</li> <li>• Ўз-ўзини баҳолаш</li> </ul>

Мураббийларнинг ўз-ўзини баҳолаши ИЖЎни сифатли амалга оширишнинг асосий воситасидир. Ўз-ўзини баҳолашнинг мақсади - ўз ишини босқичма-босқич такомиллаштириш ва бунинг натижасида ИЖЎ самарадорлигини оширишдан иборат<sup>4</sup>.

## 11 Баҳолаш мақсади ва ёндашуви

Баҳолаш ёндашуви ўқув мақсадлари ва натижаларига мос келиши керак. Дуал таълимда ўқишнинг мақсадлари - компетенцияларни шакллантиришдан иборат. Баҳолашнинг ташкил этилиши ва мазмуни ушбу мақсадни акс эттириши керак бўлади, яъни баҳолаш жараёнида (имтиҳон ва бошқалар) ўқувчиларнинг маълум бир компетенцияларга эга эканлигини кўрсатадиган аниқ ҳаракатларни бажаришини талаб этади. Шундай қилиб, компетенцияга асосланган дуал таълимда баҳолаш баҳолашнинг анъанавий ёндашувидан фарқ қилади, бунда ўқувчилар саволларга жавоб беришади ва фақат маълум маълумотларни ёддан билиб олганликларини кўрсатадилар. Аммо бу ҳолатда уларнинг ёддан ўрганган нарсаларини қанчалик ўзлаштиргани ҳам маълум эмас.

Тартиб қоидалар ва баҳолаш воситалари барча касблар учун бирлаштирилган бўлиши керак. Барча таълим стандартларида баҳолаш тўғрисидаги бир хил маълумотлар такрорланмаслиги учун таълим стандарти, қоида тариқасида, ушбу маълумотни ўз ичига олмайди, балки баҳолаш бўйича меъёрий ҳужжатга ҳавола қилади. Стандарт фақат юқорида таъкидланганидек, ўқув натижалари билан мос келиши керак бўлган таълим мазмунини белгилайди. Компетенциялар шаклидаги пухта шакллантирилган ўқув натижаларидан тегишли меъёрий ҳужжатда белгиланган тартиб ва мезонларни ҳисобга олган ҳолда баҳолашни ташкил этиш учун жиддий ўзгаришларсиз фойдаланиш мумкин.

Таълим натижаларига асосланган баҳолашда касбий стандартларда тавсифланган малакали иш мезонлари асосида шакллантирилиши мумкин бўлган баҳолаш мезонлари қўлланилади<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Иловаарга қаранг: мураббийнинг ўзини ўзи баҳолаш воситасига мисол.

<sup>5</sup> Малакали иш мезонлари - талаблар ва меъёрларга мувофиқ муайян меҳнат вазифаларни бажариш натижаларининг тавсифи (Қирғизистон

Баҳолаш бўйича меъёрий ҳужжат камида қуйидагиларни ўз ичига олади: а) баҳолаш турлари тўғрисидаги маълумотлар, б) баҳолаш частотаси, в) компетенцияларни эгаллаганлик даражасини баҳолаш мезонлари (масалан, “вазифаларни ишонч билан бажаради”, “вазифани ноаниқ, аммо қониқарли бажаради”, “вазифани қониқарсиз бажаради” ёки “талаб қилинган даражадан юқори компетенцияга эга”, “зарур даражадаги компетенцияга эга”, “талаб қилинган компетенцияларга эга эмас”), д) компетенциялар даражасини аниқлашнинг 5 дан 1 гача бўлган шкала бўйича баҳолашга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар (масалан, «барча вазифалар ишонч билан бажарилган бўлса, 5 балл берилади», «вазифаларнинг ярмидан камини қониқарсиз бажарган тақдирда, номзод зарур компетенцияларга эга эмас ва баҳоланади.... »).

Баҳолаш бўйича меъёрий ҳужжат мавжуд бўлмаганда, таълим стандартига тегишли маълумотларни киритиш керак бўлади. Бир нечта таълим стандартларини ишлаб чиқишда баҳолаш бўйича алоҳида меъёрий ҳужжат яратиш ва унга ҳаволани таълим стандартларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

РЕСА лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган стандартларда баҳолаш учун кўрсатмалар мавжуд эмас. Ягона истисно - баҳолаш учун кўрсатмаларни ўз ичига олган Қирғизистон стандартлари.

### Мисол

#### 10 - Баҳолаш бўйича кўрсатмалар (Қирғизистон)

ҚИРҒИЗИСТОН			
Профессионал стандарт			Таълим стандарти ёки баҳолаш бўйича меъёрий ҳужжат
Умумий меҳнат вазифаси	Меҳнат вазифаси	Баҳолаш бўйича кўрсатмалар	Баҳолашни ташкил этиш ва баҳолаш мезонлари
Нон-булка, макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкилий, технологик ва ускунавий таъминоти	Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкилий, технологик ва ускунавий таъминлаш	Баҳолаш стратегияси талаб қилинадиган билим ва кўникмаларни баҳолашга ва қуйидаги баҳолаш усулларида бир нечтасини амалий қўллашга йўналтирилган бўлиши керак: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Номзоднинг (ўқувчининг) зарур билимларини ёзма ва/ёки оғзаки баҳолаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Баҳолаш ўқувчилар томонидан касб бўйича стандарт вазифаларни бажариши асосида амалга оширилади</li> <li>• Баҳолашда компетенцияларни эгаллаганлик даражаси таълим натижаларидан келиб чиқиб баҳоланади</li> <li>• Баҳолаш вазифалар бажарилишини назорат қилиш асосида амалга оширилади</li> <li>• Баҳолашда Қирғизистон Республикаси таълим тизимидаги (ёки профессионал-техник таълими тизимидаги) баҳолаш қоидалари қўлланилади.</li> </ul>



		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кузатиладиган, ҳужжатлаштирилган ва/ёки номзоднинг малакасини тасдиқловчи ҳужжат (олдинги иш берувчилардан, амалиёт ўташ жойидан)</li> <li>• Керакли натижаларга хавфсиз ва самарали эришиш учун тегишли иш жараёнлари ва усларини қўллашни кўрсатиши.</li> </ul>	
--	--	--	--

Таълим стандартида номзодлар баҳолаш жараёнининг бир қисми сифатида бажариши керак бўлган вазифалар ҳам қўрсатилиши керак бўлади. Идеал ҳолатда, бу вазифалар таълим натижалари сифатида белгиланган компетенциялар билан мос келади.

## 12 Фойдаланилган манбалар

Австриядаги профессионал-техник таълим муассасаларининг ўқув дастурлари, <https://www.abc.berufsbildendeschulen.at/downloads/>

Австриядаги профессионал-техник таълим муассасаларининг ўқув дастурлари (Германия), <https://www.isb.bayern.de/berufliche-schulen/lehrplan/>

«Нон-булка ва унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш» профессионал стандарти. Қозғистон 2021 йил

«Нон, нон-булка ва унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мутахассис» профессионал стандарти. Тожикистон 2021 йил

«Нон-булка, макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича техник-технолог» профессионал стандарти. Қирғизистон 2021 йил

«Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (озиқ-овқат ишлаб чиқариш) (нон, нон-булка, қандолат, макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича) технологи» профессионал стандарти Қирғизистон 2021 йил

Schustereder, Johann, Компетенцияга асосланган таълим. Ривожланиш. Концепция. Ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. Халқаро тажриба. Тожикистонда амалга ошириш. Тожикистон 2020 йил

Schustereder, Johann, Work-based learning: benefits, success factors, international practices, in-company trainers, tools. Azerbaijan 2019.

## Илова 1: Мураббийларнинг ўзини-ўзи баҳолаш воситаси

Мезонлар	Канчалик тез-тез?		
	Деярли ҳеч қачон	Баъзан	Деярли ҳар доим
Мен ўқувчиларга бўйсунувчи эмас, балки ҳамкасб сифатида муносабатда бўламан.			
Мен ўқувчилар учун ижобий намунадирман.			
Мен ўқувчиларни кенг қўламли касбий фаолиятга жалб қиламан.			
Мен бир нарсанинг қандай амалга оширилишини шунчаки айтиб ўтмайман, балки кўрсатаман.			
Мен хатоларимдан ўрганишга ижобий муносабатдаман.			
Ўқувчиларни назарий билимларини амалиётда қўллашга ундайман.			
Мен вақтни режалаштириш, устуворликни аниқлаш, амалга оширган ишим сифати учун масъулият каби трансверсал компетенцияларни намойиш этаман.			
Мен танқид қилганимдан кўра кўпроқ рағбатлантираман.			
Мен ўқувчилар билан аниқ, конструктив ва хушмуомалалик билан мулоқот қиламан.			
Ўқувчилар томонидан бажарилган вазифалар юзасидан фикр билдираман.			
Мен ўқувчиларнинг трансверсал компетенциялари (вақтни режалаштириш, устуворликни аниқлаш, вазифа сифати учун жавобгарлик) ҳақида фикр билдираман.			
Мен ўқувчиларнинг алоҳида салоҳияти ёки иқтидорига эга бўлган соҳаларни ажратиб кўрсатаман.			
Мен ўқувчиларнинг ўз устида ишлашлари керак бўлган соҳаларни кўрсатиб ўтаман.			
Мен баҳолаш усуллари ва мезонларини тушунтираман.			
Мен холис ва адолатли баҳо бераман.			
Мен баҳолаш натижаларини асослаб бераман.			

## Илова 2: Таълим стандарти макети

Ушбу макет миллий талабларга мос бўлиши учун мослаштирилиши мумкин.

<b>Таълим стандарти Мутахассислик:</b>
<b>Кириш</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• Мазкур стандартнинг мақсади</li><li>• Мазкур стандартни ишлаб чиқиш учун норматив-ҳуқуқий база</li><li>• Мақсадли гуруҳи</li><li>• Таълим стандартини ишлаб чиқиш ҳақида маълумот</li><li>• Профессional стандартнинг таълим стандартида акс этиши ҳақида маълумот</li></ul>
<b>Таълим натижалари</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• Касбга оид компетенциялар</li><li>• Шахсий компетенциялар</li></ul>
<b>Таълим мазмуни (таркиби)</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• <i>Мавзу номи</i></li><li>• <i>Мавзу номи</i></li><li>• ...</li></ul>
<b>Таълим ҳажми</b>
<b>Дидактик тамойиллар</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• Умумий дидактик тамойиллар</li><li>• Назарий ўқитишнинг дидактик тамойиллари</li><li>• Амалий машғулотларнинг дидактик тамойиллари (устахоналар, корхоналарда)</li></ul>
<b>Иш жойида ўқитиш</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• Давомийлиги</li><li>• Ўтиш босқичлари</li><li>• Кутилган натижа</li><li>• Мазмуни ва таркиби</li><li>• Педагогик ёндашув (Дидактик тамойилларга ҳам қаранг)</li><li>• Мураббийларга бўлган малакавий талаблар</li><li>• Амалиётни муваффақиятли ўтганини тасдиқловчи ҳужжат</li></ul>
<b>Баҳолаш</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• Баҳолаш таркиби</li><li>• Баҳолаш бўйича меъёрий ҳужжатга ҳавола ёки баҳолаш тартиб-қоидалари ва мезонларининг тавсифи</li></ul>
<b>Иловалар</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• Иш жойида таълимдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат макети</li><li>• ...</li></ul>

## Илова 3: Таълим стандартини ишлаб чиқиш босқичлари

### **Тайёргарлик босқичи**

ТСни ишлаб чиқиш бўйича миллий меъёрий-ҳуқуқий базани ўрганиш

Ушбу қўлланмани ўрганиш

ПС ўрганиш

ТС бўйича сифат мезонларини ўрганиш

### **ТСни ишлаб чиқиш босқичи**

ТС мақсадли гуруҳини аниқлаш

Касбга оид оид компетенцияларни аниқлаш

Шахсий компетенцияларни аниқлаш

Таълим мазмунини (таркибини) аниқлаш

Таълим ҳажмини аниқлаш

Педагогик тамойилларнинг белгиланиши

Иш жойида ўқитишга бўлган талаблар

Баҳолаш мақсади ва унга ёндашувнинг тавсифи

«Таълим стандарти макети» ни кўриб чиқиш ва зарур бўлса уни мослаштириш

«Иш жойида ўқитишни тасдиқловчи ҳужжат» ни кўриб чиқиш ва зарур бўлса уни мослаштириш

### **ТСни тузиш ва дизайн босқичи**

ТСни тузиш

ТС дизайни

### **ТСни текшириш ва яқунлаш босқичи**

Ишлаб чиқилган ТСни сифат мезонларига мувофиқлигини текшириш

ТСни такомиллаштириш

## Илова 4: Иш жойида таълим олганлигини тасдиқлаш

Қуйида иш жойида ўқитишдан ўтганлигини тасдиқлаш макетининг бир варианты келтирилган.

### Иш жойида ўқитишдан ўтганлигини тасдиқлаш

(Тўлдирилган макет бир саҳифадан кўп бўлмаган жойни эгаллайди)

<b>Корхона маълумотлари</b>	
<b>Мураббийнинг тўлиқ исми шарифи</b>	
<b>Ўқувчининг тўлиқ исми шарифи</b>	
<b>Амалиёт ўташ даври</b>	
<b>Ҳажми (соатлар сони)</b>	
<b>Амалиёт давомида у қуйидаги ҳаракатларни амалга оширди (10 дан ошмаслиги керак)</b>	
<b>Ўқувчининг кучли томонларини қисқача тавсифлаш</b>	
<b>У устида ишлаши керак бўлган компетенциялар</b>	
<b>Сана, корхона ваколатли вакилининг имзоси</b>	

## Илова 5: Норматив-ҳуқуқий базага ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар

Таълим стандартлари соҳасидаги қонунчилик базасини мослаштириш мақсадида қуйидаги «Таълим стандартларини ишлаб чиқишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базага ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилди. Тавсиялар алоҳида ҳужжатда келтирилган.

Қайси тамойилни киритиш керак (мавжуд эмас, қисман мавжуд, такомиллаштириш керак), ...)?	Қайси ҳужжатга?	Қайси бўлимга?	Тавсия этилаётган тавсифлаш
Дуал таълим тамойили	<p><b>«Коллежлар ва техникумлар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар»</b></p> <p>2020 йил 28 августдаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг профессионал таълим бўйича илмий-услубий кенгаши томонидан кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган (7-сонли баённома).</p>	I. Дастур учун умумий талаблар	<p><b>Сатр қўшиш:</b></p> <p>Ушбу тавсиянинг барча бандлари дуал таълимга, ҳамда у бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишга тегишлидир.</p> <p><b>Сатр қўшиш:</b></p> <p>Дуал таълим бўйича ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 163-сонли қарори асосида "Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақидаги низоми" билан тасдиқланган меъёрларга зид бўлмаслиги керак.</p>

Фанлар бўйича таълим натижаларини белгилаш	«Коллежлар ва техникумлар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар»	Дастур ва унинг таркибий компонентлари, 4.5-банд	<b>Сатр қўшиш:</b> Ўқув режасини ўқитиш натижаси касбга оид меҳнат вазифалари профессионал стандартларига, шунингдек, профессионал стандарт асосида ишлаб чиқилган малакага бўйича компетенция талаблари мос келиши керак. Профессионал стандартдаги меҳнат вазифалари, умумий ва касбга оид малакалар талабларининг профессионал компетенцияларига зид келмаслиги керак.
	«Профессионал таълим муассасаларида ўқув модуллари ва амалиётининг ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар» 2021 йил 7 августдаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг профессионал таълим бўйича илмий-услубий кенгаши томонидан кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган (7-сонли баённома).	III. Ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби, 16.3-банд	<b>Сатр қўшиш:</b> Ўқув режасини ўқитиш натижаси касбга оид меҳнат вазифалари профессионал стандартларига, шунингдек, профессионал стандарт асосида ишлаб чиқилган малакага бўйича компетенция талаблари мос келиши керак. Профессионал стандартдаги меҳнат вазифалари, умумий ва касбга оид малакалар талабларининг профессионал компетенцияларига зид келмаслиги керак.
Таълимнинг шахсий/ трансверсал натижаларини аниқлаш	«Коллежлар ва техникумлар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар»	II. Дастур ва унинг таркибий компонентлари, 4.5-банд	<b>Сатр қўшиш:</b> Касб ёки мутахассисликнинг малака талабида белгиланган умумий (шахсий/трансверсал) ва касбий компетенциялар ўқув режаларида ўқитиш натижаси сифатида яхлит (фанлар бўйича), шунингдек, маълум бир фан (модуль) мавзулари бўйича алоҳида акс эттирилиши керак бўлади.
	«Профессионал таълим муассасаларида ўқув модуллари ва амалиётининг ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар»	III. Ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби, 16.3-банд	<b>Сатр қўшиш:</b> Касб ёки мутахассисликнинг малака талабида белгиланган умумий (шахсий/трансверсал) ва касбий компетенциялар ўқув режаларида ўқитиш натижаси сифатида яхлит (фанлар бўйича), шунингдек, маълум бир фан (модуль) мавзулари бўйича алоҳида акс эттирилиши керак бўлади.

Таълим усуллари билан боғлиқ бўлган тамойиллар	«Коллежлар ва техникумлар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар»	II. Дастур ва унинг таркибий компонентлари, 4.14 - банд	<p><b>Сатр қўшиш:</b> Ўқитиш усуллари танлашда қўйилган таълим натижаларини ҳисобга олиш зарур бўлади. Таълим усуллари ўқитишга доир танланган педагогик ёндашув ва унинг тамойиллари асосида белгиланади. Ўқитиш методи ўқувчига йўналтирилган бўлиши ва ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланишига ҳисса қўшиши керак бўлади.</p>
Иш жойида таълимни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган тамойиллар	<p>«Профессионал таълим муассасаларида ўқув модуллари ва амалиётининг ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар»</p> <p>2021 йил 7 августдаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг профессионал таълим бўйича илмий-услубий кенгаши томонидан кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган (7-сонли баённома).</p>	Кириш	<p><b>Сатр қўшиш:</b> Дуал таълим бўйича ўқув дастури таълим муассасаси ва корхона томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Машғулотларнинг амалий қисми корхонада ташкил этилиши керак бўлади. Корхонада машғулотларнинг амалий қисмини амалга ошириш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак.</p> <p><b>Сатр қўшиш:</b> Ўқув режасини шакллантиришда таълим муассасаси ва корхонада шаклландирган ўқув натижаларини аниқлаш зарур бўлади. Корхонанинг касбнинг малака талабларига мувофиқ ўқув натижаларини шакллантириш қобилиятини ҳисобга олиш керак бўлади.</p>
Баҳолашни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган тамойиллар	«Профессионал таълим муассасаларида ўқув модуллари ва амалиётининг ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар»	III. Ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби, 16.6 - банд	<p><b>Сатр қўшиш:</b> Ўқувчиларни баҳолаш ўқув фанининг (модулнинг) дастурий материални ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини жорий ва оралиқ назорат натижалари асосида амалга оширилади. Баҳолаш ўқувчиларнинг таълим дастурини ўқитиш натижаларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаши керак зарур бўлади.</p>



## **Нашр маълумотлари**

### **Наشريёт**

Deutsche Gesellschaft für  
Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH  
(Германия халқаро ҳамкорлик жамияти)

Рўйхатга олинган офислар  
Бонн ва Эшборн, Германия

Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш тармоқлари учун  
профессионал таълим  
Тошкент ш., Чимкент кўч., 7А  
Ўзбекистон Республикаси  
Тел. +99871 280 67 51  
[www.giz.de](http://www.giz.de)

### **Босма**

2022 йил март

### **Чоп этувчи:**

«Kvinta Print» МЧЖ  
Тошкент ш.

### **Дизайн**

«Триада Ltd.» МЧЖ  
Бишкек ш.

### **Матн**

Доктор Йохан (Ханс) Шустередер, Тея Сипрашвили, Шихназар Шарофаддинов

GIZ ушбу нашрнинг мазмуни учун жавобгардир.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги (BMZ) номидан